



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 4 июнь, № 112 (4775)

Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 июнь кuni Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув ўзаро манфаатли икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик бўйича ҳамкорликни, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, гуманитар ва бошқа соҳалардаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқаро муносабатлар тизимида парламентларо алоқалар масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

халқлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим ва таркибий қисмига айланиб бормоқда

У парламент куйи палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари билан парламент Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирилик ва идоралар масъуллари, олимлар ва мутахассислар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

парламент ва ҳукумат, халқаро ташкилотлар вакиллари ва парламентларо алоқаларнинг намоёндалари қабул қилинди. Парламентларо мулоқотни йўлга қўйиш ва фаоллаштириш мақсадида Олий Мажлис сенаторлари ва депутатларининг кўпгина хориж мамлакатларига ташрифлари амалга оширилди. Шу боис муҳокама иштирокчилари ҳозирги кунда парламентларо алоқалар дунёнинг қатор давлатлари ва халқлари ўртасидаги муносабатларнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисмига айланиб бораётганини таъкидладилар.

Давра суҳбати

Давра суҳбатида Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. Сафоев, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов ҳамда Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоевнинг парламентларо ҳамкорлик ташкилотларининг бугунги халқаро муносабатлардаги роли ва ўрни ҳақидаги маърузалари тинланди.

Кайд этилганидек, мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилган кундан эътиборан, парламентларо алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу даврда бу алоқаларнинг географияси анча кенгайди. Сенатда ва Қонунчилик палатасида икки юздан зиёд чет эл делегацияси, шу жумладан,

Дарҳақиқат, бугун парламентларо алоқалари янада мустақамлаш, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган мустақам ҳуқуқий пойдеворни вужудга келтириш натижасида “парламент дипломатияси” деган тушунча пайдо бўлди. Парламент дипломатияси аста-секин нафақат халқаро муносабатларни амалга оширишнинг муҳим йўлларидан бирига, балки халқаро нормалар ва қоидаларни давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларига синдириб бориш омилига ҳам айланиб бормоқда. Бу эса, тадбирда сўзга чиққанлар томонидан кайд этилганидек, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган мустақам ҳуқуқий пойдеворни вужудга келтирди.

Давра суҳбатида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва берилган тақлифлар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Энда АШУРОВА.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

ички ва ташқи бозорни маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, хусусан, яратилган қулай инвестицион муҳит натижасида кўплаб қўшма корхоналар ишга туширилмоқда. Бу, ўз навбатида, ички бозорни импорт ўрнини босувчи, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини берапти.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган


ойтахтимиздаги “Premier Bat” масъулияти чекланган жамияти ҳам чет эл инвестициясини жалб этиш эвазига ташкил қилинган. Бу ерда Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, энгил ва юк автомобиллари учун аккумуляторлар ишлаб чиқарилапти. Маҳсулот сифати юқори, хорижликниқисибатан арзонлиги боис аллақачон ўз харидорларини топиб улгурди. Бугунги кунда мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулот хиллари ўн тўрттага етказилди.

Жорий йил жамиятда ишлаб чиқариш модернизация қилиниши туфайли иш ҳажми ортди, энг муҳими, қўшимча иш ўринлари яратилди. Натижада май ойининг ўзига 55 миллион сўмлик маҳсулот мижозларга етказиб берилди.

Маълумки, аккумулятор учун асосий хом ашё — күрғошин. Илгари импорт қилинган ушбу ашё эндиликда юртимизда фаолият кўрсатаётган завод ва корхоналар томонидан етказиб берилди. Бундан ташқари, ақинда корхонада күрғошин оксиди тайёрланадиган тегирмон ўрнатилди. Бу эса яна 30 та янги иш ўрни яратилишига, маҳсулот нархининг сезиларли арзон бўлишига хизмат қилади, албатта.

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.



ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартлигида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асари ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганишга бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Наманган вилояти касаб-уошмалари ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган семинарда давлатимиз раҳбари асаридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни масаласи муҳокама этилди. Унда касаб-уошмаларнинг фаоллари, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб давлатлар иқтисоди-

ётига сезиларли салбий таъсир ўтказётгани таъкидланди. Бу жараёнда мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш, оқибатларини бартараф этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш имконини бераптир.

Наманган вилоятида жорий йилнинг биринчи чораги якунига кўра, янги ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқа-

риш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 12,4 қишлоқ хўжалигида 6,4, хизмат кўрсатиш соҳаларида 26,6 фоиз ўсишга эришилди. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида 66,2 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилди.

Вилоятда янги ишлаб чиқариш иншоотларини ишга тушириш, мавжудларини қайта қуриш, модернизация қилиш, кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Юртбошимиз асаридан жаҳон иқтисодиётига жиддий зарба бераётган инқирознинг келиб чиқиши сабаблари ҳар жиҳатдан таҳлил этилиб, унинг оқибатларини юмшатиш, мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари аниқ белгилаб берилган, — дейди тармоқ касаб-уошмалари вилоят вакилликнинг бўлим мудири Д. Жўрабоева. — Бу борада жамоат ташкилотлари олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилган. Бугунги тадбирда мазкур жараёнда амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

А. САТТОРОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа идора, ташкилот, корхона, муассасалар билан ҳамкорликда бир неча йилдан бунён “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

«БУНЁДКОР — 2009»: МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Лойиҳадан кўзланган мақсад навқирон авлодни моддий-маънавий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, талабаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, амалий қўникмаларини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, навқирон авлодни бунёдкорлик, яратувчилик каби эзгу қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборат.

Ушбу фаолият ёшлар ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа тегишли тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Унга 18-30 ёшдаги йигит-қизлар қамраб олинапти. Ёшлар қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, педагогика соҳаларида иш олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили қарийб икки минг нафарга яқин йигит-қизни ўз ичига олган ўттиз бешта меҳнат жамоаси жойларда ёш оилалар учун барпо этила-

ётган уй-жойлар қурилишига жалб этилди.

Лойиҳаниннг иккинчи босқичи доирасида ўқув йилини муваффақиятли якунлаб, ёзги таътилга чиққан талабаларнинг дам олиш мавсумини оқилона ташкил этишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Ўтган йили меҳнат мавсумида яна шу мақсадда қирқ олтига олий таълим муассасасида ўн етти минг нафардан ортиқ талабани қамраб олган “Бунёдкор” талабалар меҳнат ҳаракати фаолият юритди.

Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент молия институти талабаларининг қарийб бир юз ўттиз нафари ана шундай меҳнат гуруҳларига бирлашиб, пойтахтимизнинг Юнус-обод туманидаги болалар шифохонаси ва бошқа тиббиёт масканларини реконструкция қилиш жараёнида етакчи қурувчилар билан бир сафда туриб ишлади.

(Давоми 2-бетда).

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 июндаги фармойишига биноан, 2009 йил 26 май кuni Андижон вилоятининг Андижон ва Хонобод шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг очиқ суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Ҳ. Қодиров раҳбарлигида комиссия тузилди.

Комиссия зиммасига мазкур террорчилик ҳаракатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига тўла мос равишда қўзғатилган жиноий иш материалларининг судда очиқ ва холисона қўриб чиқишини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича зарур ёрдам кўрсатиш, суд жараёнининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.

Мамлакат бўйлаб

Томчи сувни тежайди

“Қишлоқ тараққийоти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурига асосан, “Навоийазот” ОАЖ томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда ушбу корхона томонидан Нурута туманидаги “Ашур-бобо” фермер хўжалиги ҳудудидаги 10,2 гектар экинзорга Исроил технологияси асосида томчиликте сугориш усули жорий этилди.

Бунинг учун 38 километрлик масофага сув қувурлари тортилиб, уларга 7040 дон томиликти сугориш ускуналари ўрнатилди. Бу ишлар учун корхона томонидан 36 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, сугориш жараёнида электр энергияси ва сув уч хисса тежалди, — дейди корхонаниннг “Органика” ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Шухрат Жўраев. — Бундай лойиҳани тез орада Хатирчи туманида ҳам амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ хўжалик техникалари — экспортга

“Урганч ўт ўриш машиналари” очиқ акциядорлик жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури жорий этилган, ишлар юришиб кетди.

Жумладан, ўтган йили бу ерда 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 690 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Йил охиригача бу кўрсаткич 3 миллиард сўмни ташкил этиши мўлжалланмоқда.

Ҳозирда корхонада 10 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалик ускуналари ишлаб чиқарилаётди. Эътиборлиси шундаки, ушбу техникаларнинг катта қисми қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик корхоналар сони ортмоқда

2009 йилнинг биринчи чорагида республикамизда кичик корхоналар сони, фермер хўжалиklarини ҳисобга олганда,



Мамлакатимизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, жумладан, бундай хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ ва маъмурий юкни камайтиришга доир дастурларни, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар соҳада шундай ўсишни таъминлади.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖАҲОН

24 соат ичида

Парламентда ўзгариш

Ҳиндистон парламенти тарихида спикерлик лавозимига илк бор аёл киши сайланди, дея хабар тарқатди "BBC".

Мейра Кумар исми бу аёл Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири ўринбосари Бабу Жангиван Рамнинг қизидир. Мейра Кумар ҳо- ним бу масъулиятли вази- фага сайланганига қадар мамлакат сув ресурслари вазири, Ҳиндистоннинг Испания ва Буюк Британи- ядаги элчиси сифатида фаолият кўрсатган.

Таназзул таъсири

Швейцария иқтисодиётида пасайиш давом этмоқда.



"EuroNews" телеканали хабарига қараганда, ўтган йилнинг сўнги чорагида мазкур мамлакатда ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 0,6 фоизга ка- майган. Жорий йилнинг дастлабки чораги якунлари бўйича эса бу ҳолат 0,8 фоизга етган. Мутахассислар вазият шундай давом этаверса, йилнинг ўрталарига бориб Швейцария иқтисодиёти оғир аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Айтиш жоиз, бундай салбий кўрсаткичлар ушбу мам- лакат ҳаётида сўнги ўн беш йилда кузатилмаган.

Рейтинг натижалари

"The Guardian" газетасининг ёзишича, Янги Зеландия дунёнинг энг тинчликсевар мамлақати, дея тан олинган.

Бундай хулосага "Тинч- ликсеварлар жаҳон рейтинг- ги" томонидан олиб борил- ган кузатишлардан сўнг ке- линди. Мазкур рўйхат халқ- аро зиддиятларга аралаш- маслик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси, мамлакатда содир этилган жиноятлар ҳамда маҳбуслар миқдори ва қурол-ярғоқ со- тиби олишга ажратилган маб- лангнинг камлиги каби 23 та мезон асосида тузилди.

Маржон қоялар хавф остида

Ирландиянинг гарбий қирғоқлари яқинида совуққа чидамли ва ҳозиргача бирор жойда кузатил- маган маржон қоялар топилган.

Улар 200 квадрат метр майдонни қамраб олган. Таажжубланарлиси, шу вақтгача бундай мўъжиза- вий маконлар фақат иссиқ сув ҳавзаларида аниқла- нарди. Сўнги пайтларда эса улар совуқ худудларда ҳам учрамоқда. Мисол учун, бундан бир оз олдин икки минг квадрат метр майдонни қамраб олган маржон қоялар Норвегия қирғоқларидан ҳам топилган.



Маржонлар билан боғлиқ бундай нотабий ҳолатлар иқлим ўзгаришини сабабли юзага келаётгани айтилмоқда. Жумладан, йилнинг ўртача ҳарорати ва океанлар суви тар- қибидидаги кислота миқдорининг ошиб кетиши улар фаолият- тининг бузилишига олиб келмоқда. Агар вазият шундай давом этса, маржон қоялар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Бу эса қурраи замин экотизими учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради, деб таҳмин қилинмоқда.

Чегара билмас вирус

АН11 вируси тарқалишига йўл қўймайлик мақса- дида олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбир- ларга қарамай, дунёнинг турли бурчакларида унинг аломатлари аниқланмоқда.

"Al Arabiya" телеканални- нинг хабар қилишича, шу кунларда хасталик билан боғлиқ яна бир ҳолат Сауд- ия Арабистонида қайд этилган. Ҳозирча бемор- нинг аҳоли ҳақида маълум- лотлар йўқ. Дастлаб Мексикада пай- до бўлган ушбу вирус би- лан касалланганлар сони айти пайтга келиб ўн икки минг кишидан ошиб кетган. Улардан 100 нафари эса ҳаётдан кўз юмган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вазиятни инобатга олиб, давлатлар ўртасидаги ки- риш-чиқиш назоратини су- сайтирмамаслигини уқтирмоқда.

Минтақадаги вазият

Апрель ойида Европа мамлакатларида ишсизлар сони яна қарийб 400 минг кишига кўпайган ва бу кўрсаткич 8,9 фоиздан 9,2 фоизга ошган.

Йили, ҳозирга келиб "қўнқа қиш"да 14,5 мил- лион киши ишсиздир. Бундай салбий кўрсаткич минтақа давлатлари ораси- да Испанияда (18 фоиз) жа- даллик билан ўсмоқда. Гер- манияда эса бу 7,7 фоизга тенг бўлиб турибди. Мута- хассисларнинг фикрига кўра, Европа мамлакатлари бу муаммони осонликча бартараф этолмайди. Сабаби, қишнинг аксарият давлатлари иқтисодиёти оғир инқироз жараёнини бошдан кечирмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз дунё иқтисодиётининг аксарият тармоқларига жиддий зарба берди. Кўплаб йирик саноат корхоналарининг бу мураккаб синовга дош беролмагани натижасида ишсизлар сони кескин ошиб, аҳолининг иқтисодий ҳимоясига путур етди. Мазкур таназзул нефть саноатида яққол намоён бўлди. Хом ашё биржаларида "қора олтин" баҳосининг кескин тушиб кетиши туфайли тармоқдаги бир қатор йирик корхоналар танг аҳволга келиб қолди. Бу эса иқтисодиёти бевосита ушбу саноатга боғлиқ бўлган баъзи давлатларнинг тараққиётини анча ортга сурди.

НЕФТЬ НАРХИНИНГ ОШИШИ

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг чекинаётгани билан изоҳланмоқда

Биргина мисол: Россия иқти- содий тараққиёт вазириги то- монидан жорий йилнинг фев- раль ойи охирида мамлакат иқтисодиёти фақатгина нефть нархининг кўтарилиши эвазига яхшиланиши мумкинлигини маълум қилганди. Яъни, агар бир баррель "қора олтин"нинг баҳоси 50 АҚШ долларидан кам бўлмаса, бу Россия учун ижо- бий ҳолат ҳисобланаркан. Ма- бодо нефть нархи 41 АҚШ дол- ларига тушиб кетгудек бўлса, иқтисодиётнинг ўсиш суръати 2,2 фоизга қисқариб кетиши мумкинлиги келтирилганди. Бундан кўра, "қора олтин" бозоридаги барқарорлик дунё иқтисодиёти тараққиёти ва унинг бир маромда риво-

жида катта аҳамият касб этади. Эслатиб ўтамиз, 2008 йилнинг июль ойида нефть нархи рекорд даражада кўтарилганди. Ушунда ушбу маҳсулотнинг бир барре- ли 147,47 АҚШ долларига ет- ганди. Йилнинг иккинчи ярим йиллигига келиб жаҳонда молия- вий-иқтисодий инқироз бўй кўрсата бошлади. Натижада бир баррель нефть сўнги уч йилда кескин пасайиб, 35 АҚШ дол- ларига тушиб кетди. 2008 йилнинг декабрь ойи иккинчи ярмига ке- либ, бу кўрсаткич 33,6 АҚШ дол- ларига етди. Шундан сўнг "қора олтин" баҳоси жорий йилнинг январь ойи бошларида аста-се- тин кўтарилиб кўтарила бошла- ди. Жумладан, йил бошида бир- жаларда ўтказилган сўнги сав-

долар чоғида нефтьнинг бир бар- рели 50,07 АҚШ долларига кўта- рилди. Орадан бир ҳафта ўтиб эса унинг қиймати 50,53 АҚШ долларига етди. Бироқ барибир нефть бозори барқарор эмас эди. Чунки мана шу кўтарилиш- дан бир ҳафта кейин унинг нар- хи яна 10 АҚШ долларига ар- зонлашди. Бу кўрсаткич нефть савдоси билан шуғулланувчи кўплаб давлат ва ташкилотлар- нинг жиддий муҳокамасига са- баб бўлди. Хусусан, Нефть экс- порт қилувчи давлатлар ташки- лоти (ОПЕК) "қора олтин" қазиб олиш ҳажмини камайтириш бо-

расида бош қотира бошлади. Март ойи давомида жаҳон бо- зорида нефть нархи яна 50 АҚШ долларлик довонга етди. Ап- рель ойида бу кўрсаткич 50,72 АҚШ долларини ташкил этди. Июнь ойининг бошида эса "WTI"

роз бўлмаган. Чунки айти пайтга нефть нархида ўсиш суръати юқори. Агар вазият шу тахлитда давом этса, жаҳон бозорида "қора олтин"нинг бир баррель баҳоси 75 АҚШ долларига етиши тахмин қилинмоқда. Бу эса ОПЕКга аъзо давлатлар учун мақбул кўрсаткич ҳисобланади.

Тахлилчилар ушбу маҳсулот нархида барқарорликнинг юзага келаётганини жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози чекинаётга- ни билан изоҳлашмоқда. Уларнинг фикрича, айти пайтга келиб, АҚШнинг қатор фонд биржалари- да аҳвол ижобий томонга ўзгара бошлаган. Жумладан, мамлакат- нинг "Dow Jones", "Nasdaq", "S&P" каби фонд биржаларида сезилар- ли ўсиш кузатилган.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, "S&P" фонд биржасида ҳозирги кунга келиб вазият анча яхшилانган. Айниқса, унинг ту- раржой савдоси ва қурилишига маблағ ажратиб ҳажми яна оша бошлаган. Айтин инқирознинг келиб чиқишига асосий сабабли бўлган ушбу секторда жонланиш кузатилишини жаҳон иқтисодиё- ти яна ижобий томонга силжиб бошлаганининг илк аломатлари сифатида баҳолаш мумкин.

Фозилдин АБИЛОВ.

БОШ МЕЗОН — СИФАТ

"Оқтошдон" ёрлиги остидаги маҳсулотларни нафақат Самарқанд, балки кўшни Жиззах ва Навоий вилоятлари аҳолиси ҳам бажонидил харид қилмоқдалар. Сабаби — бу ерда ишлаб чиқарилаётган унинг сифати юқори, нархи эса бирмунча арзон.

— Корхонамиз ишчи-хизматчила- рининг шiori — ишлаб чиқарила- диган унинг сифати ва мазаси аъло даражада бўлишини таъмин- лаш, — дейди "Оқтошдон" акция- дорлик жамияти раиси Тўраҳасан Худойбердиев. — Талаб кўпайгач, ишлаб чиқари- риш ҳажми ортади. Жо- рий йилнинг биринчи чо- рагида 11434 тонна ун ишлаб чи- қардик. Бу ўтган йилнинг шу дав- ридан нисбатан 136 фоизга кўп. Корхонада Инкирозга қарши чора- лар дастуридан келиб чиқиб, жа- ҳон молиявий-иқтисодий инқироз- нинг олдини олиш, ишлаб чиқари- лаётган маҳсулотнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштириш чо- радидир. Бундан кўра, маҳсулотнинг кўра яқинидаги қисми арзонлаштирилган электр энергиясидан тежам-

корлик билан фойдаланиш, маъму- рининг шiori — ишлаб чиқарила- диган унинг сифати ва мазаси аъло даражада бўлишини таъмин- лаш, — дейди "Оқтошдон" акция- дорлик жамияти раиси Тўраҳасан Худойбердиев. — Талаб кўпайгач, ишлаб чиқари- риш ҳажми ортади. Жо- рий йилнинг биринчи чо- рагида 11434 тонна ун ишлаб чи- қардик. Бу ўтган йилнинг шу дав- ридан нисбатан 136 фоизга кўп. Корхонада Инкирозга қарши чора- лар дастуридан келиб чиқиб, жа- ҳон молиявий-иқтисодий инқироз- нинг олдини олиш, ишлаб чиқари- лаётган маҳсулотнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштириш чо- радидир. Бундан кўра, маҳсулотнинг кўра яқинидаги қисми арзонлаштирилган электр энергиясидан тежам-

Жараён

— Корхонамиз ишчи-хизматчила- рининг шiori — ишлаб чиқарила- диган унинг сифати ва мазаси аъло даражада бўлишини таъмин- лаш, — дейди "Оқтошдон" акция- дорлик жамияти раиси Тўраҳасан Худойбердиев. — Талаб кўпайгач, ишлаб чиқари- риш ҳажми ортади. Жо- рий йилнинг биринчи чо- рагида 11434 тонна ун ишлаб чи- қардик. Бу ўтган йилнинг шу дав- ридан нисбатан 136 фоизга кўп. Корхонада Инкирозга қарши чора- лар дастуридан келиб чиқиб, жа- ҳон молиявий-иқтисодий инқироз- нинг олдини олиш, ишлаб чиқари- лаётган маҳсулотнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштириш чо- радидир. Бундан кўра, маҳсулотнинг кўра яқинидаги қисми арзонлаштирилган электр энергиясидан тежам-

— Корхонамиз ишчи-хизматчила- рининг шiori — ишлаб чиқарила- диган унинг сифати ва мазаси аъло даражада бўлишини таъмин- лаш, — дейди "Оқтошдон" акция- дорлик жамияти раиси Тўраҳасан Худойбердиев. — Талаб кўпайгач, ишлаб чиқари- риш ҳажми ортади. Жо- рий йилнинг биринчи чо- рагида 11434 тонна ун ишлаб чи- қардик. Бу ўтган йилнинг шу дав- ридан нисбатан 136 фоизга кўп. Корхонада Инкирозга қарши чора- лар дастуридан келиб чиқиб, жа- ҳон молиявий-иқтисодий инқироз- нинг олдини олиш, ишлаб чиқари- лаётган маҳсулотнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштириш чо- радидир. Бундан кўра, маҳсулотнинг кўра яқинидаги қисми арзонлаштирилган электр энергиясидан тежам-

Жорий йилнинг март ойида Дўстлик туманидаги "Норбеков Сардор" фермер хўжалигига "Узагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси Жиззах вилояти дирекциясидан 3 миллион 392 минг сўмлик суғурта товони олиш ҳақида хабарнома келди. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг вилоят филиалидан олинган бу маблағ фермер учун жуда асқотди. Чигит экиш мавсуми олдида хўжалик ишчи-хизматчиларига далда бўлди, руҳини кўтарди.

ИШОНЧ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Худди шу мазмундаги ха- барномалар орқали туманда- ги 13 та фермер хўжалиги салкам 15 миллион сўм су- гурта товони олди. — Яқинда эса компания- миз бошқарувининг суғурта тўловлари бўйича комиссия- си қарорига биноан, Зомин туманидаги яна 6 та фермер хўжалигига 10 миллион 765 минг сўмлик суғурта товони тўланадиган бўлди. — дейди компаниянинг Жиззах вилоят- ти дирекцияси раҳбари Ма- маткул Қаршибоев. — Шунингдек, ўтган йили табиий офатлар натижасида пахта кам ҳосиллиги бўйича 39 та фермер хўжалигига 46,7 мил- лион сўмлик, галла кам ҳосиллиги бўйича эса 39 та фермер хўжалигига 113 мил- лион сўмликдан зиёд суғур- та қопламаси тўлаб берилди. "Узагросуғурта"нинг вилоят дирекцияси, унинг ту- ман бўлиналарида Вазир- лар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги "Тижорат банк- лари томонидан фермер хўжаликларига давлат экти- ежлари учун харид қилина- диган пахта хом ашёси ва галла етиштиришни маблағ билан таъминлаш учун бе- риладиган имтиёзли кредит маблағларини суғурталаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқа-

рувчиларга бериладиган им- тиёзли кредит суғуртаси бўйича 209 та шартнома ту- зилди. 12 миңдан зиёд фер- мер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган дирекция қишлоқ мулкдорлари ҳосили- ни ихтиёрли суғурталаш режасини 132 фоизга бажарди. Йил давомида кўзда тутилган 243 миллион сўмлик суғурта мукофоти ўрнига 322 миллион сўмлик тушумга эришилди. Дирекция жамоаси миқоз- ларнинг муножаатига эъти- бор билан қараш, юзага кел- ган муаммоларни ва ариза- ларни одилона ҳал этишга интиляпти. Ўтган йилнинг охирида Дўстлик туманидаги "Мовий елканлар" фермер хўжалиги пахта кам ҳосиллиги бўйича суғурта товони ундиришни сураб ариза берганди. Аммо табиий офат юз бергунга қадар фермер хўжалиги су- гурта компаниясига шартно- ма бўйича маблағ ўтказма- ганлиги маълум бўлди. Оқибатда фермер хўжалиги- га 10,400 минг сўм суғурта товони берилмади. — Ҳар йили жамоамизда етиштирила- диган қишлоқ хўжалиги экинларини суғур- талаб қўямиз, — дейди Зомин туманидаги "Исоқ ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Р. Муродов. — Ўтган йили сув танқислиги, табиий офат на- тижасида кўзланган пахта хом ашёсини ололмадик. "Узагросуғурта"га миқоз бўлганимиз учун зарар "суғурта ҳодисаси оқибати" деб тан олинди, жамоамизга 4 миллион 489 минг сўмлик суғурта товони тўланди. "Узагросуғурта"нинг хизмат доираси жуда кенг ва турлари кўп. Шунга асосан, вилоят ди- рекцияси ва туман бўлима-

Анжуман

Сурхондарё вилоятида "Мақтабача таълим муассасаларида таъриб синовларни ва инновацион жараёнларни ташкил этиш, уларни бошқариш ва мувофиқлаштириш" мавзуси- да республика семинари бўлиб ўтди.

ТАРБИЯ ОСТАНАДАН БОШЛАНАДИ

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоятдаги 387 та мақтабача таълим муассасасида педагогик фаолиятни на- фақат шакл, балки мазмун жиҳатидан ҳам мукамаллаштиришга, миллий аъёнларни замонавий технологиялар билан уйғунлаштиришга эришилмоқда. Семинар иштирокчилари бу ҳамкор- ликнинг амалий ишисини бўлган ишлар билан танишиш имкониятига эга бўлди- лар. Жумладан, уларга Сурхон дийри- нинг қадимги миллий ўйинлари асосида болалар учун ташкил этилган ноанъана- вий машғулотлар намойиш этилди.


Гулбахор ТАНГИРОВА.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

- ТАКЛИФ ЭТАДИ
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗМЕЪЁРЛАГИЧЛАР
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтларлар

Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.



Манзил: Тошкент ш., "Чилонзор" маъёси, Ц.даҳаси, 6-й. Мўлжал — "Шухрат" дўкони жойлашган чорраха.

МЧЖ таълиқи «Alpine Tekstil» хорижий корхонаси хотин-қизларни «ZINGER» ва «OVERLOK» тиккув машиналарида ишлаш учун ишга тақлиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, Широқ к., 104-«А» уй, «ВАУТЕКС» тўқимачилик корхонаси худуди. Телефонлар: 248-53-48, 776-56-46.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан 2009 йил 7 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 2008 йил 12 ноябрдаги ЖКК-1-911/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомобиллар сақлаш жойида сақланган, «Тойота-Лexus-LX-470» русумли, давлат рақами 30К3535 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 100 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 февралдаги №2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилида сақланаётган: 1. «Тойота Ланд Крузер» русумли, давлат рақами 14АГ 202 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 95 238 355 сўм. 2. «Мерседес Бенц Е-280» русумли, давлат рақами 14АЕ 485 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 75 038 337 сўм.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йули» банки Сағбон филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, М.Урозовов к., 1-«А» уй. Тел: 228-79-52, www.rkmb.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИВ/ОИТС, СИЛ ВА БЕЗГАККА ҚАРШИ ҚУРАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОТИБИЯТ ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш Глобал жамғармаси узлуксиз молиялаштириш механизми орқали грант талабномаларини қабул қилишини маълум қилади. ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи котибият қошида ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Сизни қизиқтирган саволларингизни ҳамда қатнашиш таклифи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни котибият 2009 йил 25 майдан 15 июнгача қабул қилади. Талабнома шартларини Глобал жамғарманинг http://www.theglobalfund.org интернет сайтдан олиш мумкин. Талабнома таклифларини ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи котибият манзилига: Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 46-уй, 7-қават ёки котибиятнинг cst@oifads.uz электрон почтасига юбориш мумкин.

Товар сертифицирован INTEGRA ASIA Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан DELL ... от карманных компьютеров до серверов... 3 Технологии, обеспечивающие уверенность года полной гарантии!!! Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26. Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳрида рўйхатга олинган "FORT PRO" хусусий корхонаси, ОКНО коди 15764818, СТРП: 201177145, ТУТАТИЛАДИ. Даволат эълон матбуотида чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қўйидаги маълум қабла қилинади: Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 2-уй. Тошкентдаги телефон: 244-27-24.

Лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Таниқли композитор Мустафо Бафоевнинг Ўзбекистон халқ шoirи Жуманиёз Жабборов либреттоси асосида яратган "Севги самоси" операси Алишер Навоий номли Катта опера ва балет театрида сахна юзини кўрди ва опера санъати мухлислари томонидан эътироф этилди.

гиналлиги билан томошабинни ўзига ром этади. Композитор Мустафо Бафоев юксак бадиий маҳрат билан замонавий мусиқий воситаларни анъанавий мусиқа намуналари (мақом йўллари, халқ кўшиқлари ва куйлари)дан унумли фойдаланади.

ОПЕРАДА БУЮК АЖДОДЛАР СИЙМОСИ

янгий премьераси бўлиб ўтди ва у томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Асарни яратишда композитор ва либретто муаллифи яқин ҳамкорликда иш тутганлиги эътиборга сазовордир.

қил вазифаларини бажариб, ҳар бир образ ёқимли, раван куй ва оҳангларда, жозибали ижроларда, бетақдор овоз ҳамда мусиқий воситалар ва бўёқларда намоён бўлади.

хос бўлган лейтмотив (асосий мавзу, маълум образнинг мусиқий тисмоли) тизимига таянган: жумладан, Ал-Фарғонийнинг турли рухий ҳолатлари ва ҳис-туйғулари муайян халқ куйлари асосида ёритилган.

«ОҚШОМ»ДА УМР ЛАҲЗАЛАРИ
Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академияси халқаро Маданият карвонсаройида «Оқшом» деб номланган суратлар кўргазмаси очилди.

Санъат

Унда франциялик сураткаш Сильви Ласернинг Ўзбекистон ҳақидаги, хусусан, Самарқанд, Бухоро, "Осмон остидаги музей" деб аталмиш Хива, 2200 йиллигини нишонлаётган азим Тошкентни ифодаловчи қирқдан зиёд энг сара асарлари ўрин олган.

— Менга Ўзбекистон табиати, гўзал шаҳарлари, энг асосийси, самимий инсонлари ёқди, — дейди сураткаш. — Дўмбира чертиб, дoston айтган бахшиларни кўрганимда, завқлиниб кетаман.

Кўргазмани томоша қиларкансиз, ҳар битта асарда хорижий сураткашнинг Ўзбекистонга бўлган меҳри акс этиб турганини ҳис қиласиз.

Мазкур кўргазма 16 июнга қадар давом этади. Г. САДАТОВА.

Спорт Sport

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳамбо бўйича Осиё очик чемпионати ва самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилмоқда.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР

Албатта, бундай нуфузли турнирнинг мамлакатимизда ўтказилишининг ўзига ҳос сабаблари бор. Самбо бўйича ҳамюртларимиз халқаро спорт майдонларида доимо муваффақиятли иштирок этиб келишди.

ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этдилар. Жумладан, Шавкат Жўраев (52 кг.), Дамир Муҳидов (74 кг.), ва Ақобир Қурбонов (90 кг.) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаллар билан тақдирланди.

Тўрт кун давом этадиган беллашувда Россия, Эрон, Сурия, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Мўғулистон, Сингапур, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон сингари жами йигирма беш мамлакатдан келган беш юз нафарга яқин тажрибали полвонлар ғолиблик учун ўзаро беллашмоқдалар.

Мусобаканинг биринчи куни эрақлар ва хотин-қизлар китъа чемпионлиги учун тўққиз вазн тоифасида гиламга чиқишди. Мухими, бу сафар ҳам вакилларимиз спортнинг ушбу тури бўйича

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда жамоамиз эришган натижалар эса янада юқорироқ бўлди. Унда Шохида Назарова (52 кг.), Уғилжон Рўзметова (56 кг.), Нилуфар Давлатова (64 кг.), Соҳиба Штемирова (72 кг.), Дилноза Қамбарова (+80 кг.) олтин, Нодира Алибекова (80 кг.), Гулмира Исмаева (68 кг.) кумуш, Нафосат Фафорова (48 кг.) ва Гузал Каримова (60 кг.) бронза медалларини кўлга киритишди.

Кеча ёшлар ўртасидаги мусобақаларга старт берилди.

Нафиса — якка пешқадам

Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида бешинчи тур учрашувлари якунланди.

Ҳозирча чемпионатнинг аёллар ўртасидаги бахсларида фарғоналик Нафиса Мўминова 4,5 очко билан якка пешқадам бўлиб турибди. У ушбу турда қашқадарёлик шахматчи Нодира Нодиржоновани мағлубиятга учратди. Иккинчи ўринда бораётган Ольга Собирова (Тошкент шаҳри) ҳисобида 4 очко бор.

Мусобақада иштирок этаётган қолган шахматчилар куйидагича очко тўплаган: Нодира Нодиржонова (Қашқадарё), Ирода Ҳамроқуллова (Самарқанд) — 3, Ирина Гевроқян (Тошкент шаҳри), Умида Чоршанбиева (Қашқадарё), Хулқар Тоҳиржонова (Фарғона) — 2,5, Гулрухсор Эсонбоева (Тошкент вилояти), Мафтуна Орызқуллова (Самарқанд) — 2, Мафтуна Жанқуллова (Сурхондарё), Севара Баймуродова (Тошкент вилояти) — 1,5, Озода Каримова (Навоий) — 1 очко.

3. ЖОНИБЕКОВ.

Спорт Sport

ОБ-ҲАВО

(4 июнь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 13-18, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутимайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутимайди. Кечаси 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 10-12, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шу кунларда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағмармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози" республика кўрик-танловининг саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Танловнинг Фарғона вилояти бўйича саралаш босқичи санъат коллежида ўтказилди. — Танловда "Яримўтказич" юпқа плёнчалар олишда очик тигел усулидан фойдаланиш" деб номланган лойиҳам билан қатнашган.

— "Ақборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинацияси доирасидаги йўналишлар бўйича тақдим этилган ишлар замонавий ишроқчи Ирода Ибрагимова. — Маз-

тон Республикаси саралаш босқичлари ҳам қизгин ўтди. Айниқса, танловга "Ақборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинацияси доирасидаги йўналишлар бўйича тақдим этилган ишларини ўзида акс эттирганлиги билан эътиборга олинди.

Кўриқнинг Наманган вилояти миқсидида ўтказилган саралаш босқичи эса бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида бўлиб ўтди. Қувонарлиси, иштирокчилар тақдим этган ҳар бир лойиҳа ўзига ҳос ва бетақдор услубга эга эканлиги билан ажралиб турди. Хусусан, "Анъанавий ва амалий санъат" номинациясида иштирок этган Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Аъзам Нуриддиновнинг нақшинокор суратлари, "Ақборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинациясининг ишлаб чиқариш ҳараёнларини такомиллаштириш ва менежментни риwoжлантириш бўйича тақлифлар йўналиши иштирокчиси Исом Кутфидиновнинг "Кўпик бетон ишлаб чиқариш" лойиҳаси ҳамда Зилола Фоййпованинг "Кайфият" деб номланган мафтункор ракс дастури танлов иштирокчилари ва мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси саралаш босқичи санъат коллежида ўтказилди.

Кўриқнинг Наманган вилояти миқсидида ўтказилган саралаш босқичи эса бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида бўлиб ўтди. Қувонарлиси, иштирокчилар тақдим этган ҳар бир лойиҳа ўзига ҳос ва бетақдор услубга эга эканлиги билан ажралиб турди. Хусусан, "Анъанавий ва амалий санъат" номинациясида иштирок этган Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Аъзам Нуриддиновнинг нақшинокор суратлари, "Ақборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинациясининг ишлаб чиқариш ҳараёнларини такомиллаштириш ва менежментни риwoжлантириш бўйича тақлифлар йўналиши иштирокчиси Исом Кутфидиновнинг "Кўпик бетон ишлаб чиқариш" лойиҳаси ҳамда Зилола Фоййпованинг "Кайфият" деб номланган мафтункор ракс дастури танлов иштирокчилари ва мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси саралаш босқичи санъат коллежида ўтказилди.

Китобхонлик

Янги китоб, қизиқарли бадиий асар ёхуд ўзимиз учун аҳамиятли мавзудаги адабиётларни ўқишни истасак, кутубхона ёки китоб дўкони сари йўл оламиз. Табиийки, бу масканларда бўлган киши ўзи истаган китобни олиб, ортига қайтишга ошқинайди; кутубхона ёки китоб дўкони айланиб, янги асарларни варақлайди, бежирим муқовалар ичидида маънавий хазинага бир-бир кўз таштайди. Зеро, бу ҳам — тарғибот, китоб, яъни маънавият тарғиботи!

МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда китоб савдосини кенг йўлга қўйиш, кутубхоналар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган саяё-ҳаракатлар самараси диққатга сазовор.

тижаларига кўра, кейинги икки йилда мамлакатимиздаги нашриётлар томонидан китоб махсуслотларининг савдога чи-

батади, 18-20 ёшдаги йигит-қизларнинг ҳам китобга бўлган қизиқиши аввалги йилларга нисбатан ижобий ўзгарганлиги кузатилган.

Фарғона вилоятида ҳам мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар кўлими кенг. Хусусан, ўтган 2008 йилда вилоятда 60 дан ортик китоб савдоси марказлари ишга туширилди. Шулардан 21 таси "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган савдо марказларидир. Натижада айни пайтда вилоятнинг шахар ва туманларида фаолият кўрсатаётган бундай масканлар сони 90 тадан ошди.

Улар юртимизда ўтказилган кўп қабатли фестивалларда муваффақиятли иштирок этишган. — Она-табиат мавзусидаги асарлар ижодимдан кенг ўрин олган, — дейди Нигора

миз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлар сафининг янада кенгайишига шароит туғдирмоқда.

Кўриқнинг Наманган вилояти миқсидида ўтказилган саралаш босқичи эса бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида бўлиб ўтди. Қувонарлиси, иштирокчилар тақдим этган ҳар бир лойиҳа ўзига ҳос ва бетақдор услубга эга эканлиги билан ажралиб турди. Хусусан, "Анъанавий ва амалий санъат" номинациясида иштирок этган Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Аъзам Нуриддиновнинг нақшинокор суратлари, "Ақборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинациясининг ишлаб чиқариш ҳараёнларини такомиллаштириш ва менежментни риwoжлантириш бўйича тақлифлар йўналиши иштирокчиси Исом Кутфидиновнинг "Кўпик бетон ишлаб чиқариш" лойиҳаси ҳамда Зилола Фоййпованинг "Кайфият" деб номланган мафтункор ракс дастури танлов иштирокчилари ва мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

Кўриқнинг Наманган вилояти миқсидида ўтказилган саралаш босқичи эса бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида бўлиб ўтди. Қувонарлиси, иштирокчилар тақдим этган ҳар бир лойиҳа ўзига ҳос ва бетақдор услубга эга эканлиги билан ажралиб турди. Хусусан, "Анъанавий ва амалий санъат" номинациясида иштирок этган Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Аъзам Нуриддиновнинг нақшинокор суратлари, "Ақборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинациясининг ишлаб чиқариш ҳараёнларини такомиллаштириш ва менежментни риwoжлантириш бўйича тақлифлар йўналиши иштирокчиси Исом Кутфидиновнинг "Кўпик бетон ишлаб чиқариш" лойиҳаси ҳамда Зилола Фоййпованинг "Кайфият" деб номланган мафтункор ракс дастури танлов иштирокчилари ва мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

НАВҚИРОН МУСАВВИРЛАР ИЖОДИ

Ёшлар ижод саройида манзара жанридаги тасвирий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. Навқирон ижодкорларнинг ижодий салоҳиятини янада юксалтириш мақсидида ташкил этилган мазкур кўргазмадан 50 та тасвирий санъат асари жой олган.

Улар юртимизда ўтказилган кўп қабатли фестивалларда муваффақиятли иштирок этишган. — Она-табиат мавзусидаги асарлар ижодимдан кенг ўрин олган, — дейди Нигора

Латипова. — Чўки юртимизнинг гўзал жамоли, шахару қишлоқларимиз чиройидан ҳаммиша илҳамланаман. Асар учун ранг танлаш, унинг композицияси, рамзий маъносию гоёси — барибарини менга табиатнинг ўзи ўргатади. Масалан, шошқин дараё манзарасини тасвирлаш орқали умрнинг, вақтнинг, ўтаётган ҳар бир лаҳзамизнинг ганимат эканлиги, берилган ушбу фурсатда фақат яши ном

Advertisement for NEW HOLLAND TL5060 tractor. Includes image of the tractor, contact information (TEL.: 120 60 97 - 120 89 58), and the NEW HOLLAND AGRICULTURE logo.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes the title 'Народное слово', contact information, and a list of subscribers.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўлтир РАҲМАТОВ'. Includes contact information and a list of subscribers.

Advertisement for '«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР'. Includes contact information and a list of subscribers.

Advertisement for '«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР'. Includes contact information and a list of subscribers.